

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН
ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ
ОЛИЙ АТТЕСТАЦИЯ КОМИССИЯСИ**

РАИС ҚАРОРИ

Тошкент ш.

№ 168

2024 йил 06 апрел

Диссертация ишлари илмий натижалари юзасидан илмий мақолалар чоп этилиши лозим бўлган илмий журналлар рўйхатига қўшимчалар киритиш ҳақида

Тошкент давлат транспорт университетининг 21.02.2024 йил 04-01/994-сон хатида «**Транспорт хабарномаси**» илмий-техник журналини техника фанлари бўйича ОАК тавсия этган илмий журналлар рўйхатига киритишни сўрайди.

«Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси тўғрисида»ги низомнинг 7-банди ва Ўзбекистон Республикаси ОАК Раёсатининг 2013 йил 11 апрелдаги 197/3-сон қарори билан тасдиқланган «Докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижалари эълон қилиниши лозим бўлган республика ва хорижий мамлакатларнинг нуфузли ихтисослашган илмий журналларини ОАК рўйхатига киритиш учун талаблар», Тошкент давлат транспорт университетининг (21.02.2024 йил 04-01/994-сон) мурожаати ва ОАК Техника фанлари (28.03.2024 й., № 3), Ахборот-коммуникация технологиялари, бошқарув, алоқа ва энергетика фанлари бўйича эксперт кенгашнинг тавсиясига (28.03.2024 й., № 3) ҳамда ОАК Иқтисодий ва рақамли иқтисодий интеграцион тадқиқотлар бўйича эксперт кенгаши (30.03.2024 й., № 3) тавсияларига мувофиқ ОАК Раёсатининг 2024 йил 06 апрелдаги 353/3-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида

Ўзбекистон Республикаси ОАК Раёсати қарор қилади:

Техника фанлари ва иқтисод фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (DSc) илмий даражасига талабгорларнинг диссертация ишлари юзасидан диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига «Транспорт хабарномаси» илмий-техник журналини (Тошкент давлат транспорт университети) киритилсин.

Асос: «Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш тўғрисидаги низом»; Тошкент давлат транспорт университетининг (21.02.2024 йил 04-01/994-сон) мурожаати; ОАК Техника фанлари (28.03.2024 й., № 3), Ахборот-коммуникация технологиялари, бошқарув, алоқа ва энергетика фанлари бўйича эксперт кенгашнинг тавсиясига (28.03.2024 й., № 3) ҳамда ОАК Иқтисодий ва рақамли иқтисодий интеграцион тадқиқотлар бўйича эксперт кенгаши (30.03.2024 й., № 3) тавсиялари; ОАК Тартиб-қоида комиссиясининг қарори (29.03.2024 й., №3/23а); ОАК Раёсати қарори (06.04.2024 й., №353/4).

Раис



А.Т.Юсупов